ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'.K.U.F. F.T.U.U.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

ISHONCH

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2007 йил 18 январ
пайшанба № 9 (2266)

Ислом КАРИМОВ:
Беминнат ҳомийлик ёрдами кўрсатиш, бева-бечора ва етимесирларнинг бошини силаш, муҳтож ва кам таъминланган тоифаларга кўмак бериш каби халқимизга хос фазилатлар ҳаётимизда миллий қадрият даражасига кўтарилганини кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин.

Хабарлар

ЯНГИ ҚВП ИШГА ТУШДИ

Янги йилнинг дастлабки кунларида Шаҳрихон туманидаги «Бўстон» ширкат хўжалиги «Чўжа» маҳалласида барча қулайликларга эга бўлган янги қишлоқ врачлик пункти иш бошлади. ҚВП ушбу ҳудудда яшовчи 9 мингдан зиёд аҳолига янги йил совғаси бўлди. Чунки, «Саломатлик-2» лойиҳаси бўйича тўлиқ тиббий ускуналар билан жиҳозланган врачлик пунктида беморларга дастлабки ёрдам кўрсатиш учун барча қулайликлар мавжуд.

— Замонавий лаборатория мажмуаси, ФЭК аппаратлари, ЭКГ ва физиотерапия жиҳозлари беморларга тўғри ташхис қўйиш ва уларнинг дардига малҳам бўлиш имкониятини оширади. — дейди ҚВПлар бўйича туман мутахассиси А.Йўлдашев. — Беморларга қулайлик яратиш учун 2 миллион сўмлик юмшоқ мебеллар мажмуаси сотиб олинди. Энди туманда фаолият юритаётган ҚВПлар сони 31 тага етиб, аҳоли малакали тиббий муолажа олишдан бахраманд бўлмоқда.

Тумандаги ҚВПлар учун ўтган йили жами 78 миллион сўмлик тиббий ускуналар сотиб олинди. Бундан ташқари, ҳомийлар кўмагида 1-туғруқ мажмуаси тўлиқ таъмирланди. Бу хайрли ишларга 6,5 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидан хабар қилишларича, Асака туманидаги «Кужгон» ҳамда Қўрғонтепа туманидаги «Қушқор» маҳаллаларида ҳам янги ҚВПлар иш бошлади. Шунингдек, янги йил арафасида хўжаободлик саховатли фермер Ғайратбек Умрзоқов ўз ҳисобидан эски бинони таъмирлаб, Карнайчи қишлоқ фуқароларига туҳфа этди.

ИШ ҲАҚИДАН ҚАРЗДОРЛИК КАМАЙМОҚДА

Иш ҳақидан қарздорликни тугатиш борасида Республика Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, 2006 йил 1 январ ҳолатига кўра тармоқда иш ҳақидан қарздорлик 16 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, йил охирига келиб бу рақам сезиларли даражада камайди.

Бунинг учун тармоқ касаба уюшма ташкилотлари томонидан иш берувчиларга 707 та талабнома киритилди. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига 185, судларга 8 марта мурожаат этилди. Шу саъй-ҳаракатлар натижасида меҳнаткашларга 5 миллиард 26 миллион сўм маош ундириб берилди.

Бу борада Наманган вилоятида ҳам кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу долзарб масала тармоқ касаба уюшма кенгашлари ва бошланғич ташкилотларнинг йиғилишларида мунтазам равишда муҳокама этиб борилмоқда.

ДАВОЛАНИШ УЧУН ХАРАЖАТ

маъмурият ҳисобидан

Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшма Марказий кенгашининг Фарғона вилоят вакиллиги томонидан меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш қамрови кенгайиб бормоқда. Ходим касал бўлиб қолганда даволаниш учун кетадиган харажатларни маъмурият томонидан тўлаш, бепул тушлик овқатлар ташкил этиш, ҳомиладор аёлларни ҳомиладорликнинг бешинчи ойидан таътилга чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиш учун маблағ ажратиш шулар жумласидандир.

Бу иш «Қувасойцемент», «Кварц» ҳиссадорлик жамиятларида, «Монтажкимёҳимоя» масъулияти чекланган жамиятларда яхши йўлга қўйилган. Мазкур меҳнат жамоаларида меҳнаткашларни соғломлаштириш ва маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш яхши ташкил этилган.

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ХОНАЛАРИ

меҳнаткашлар хизматида

Ўзбекистон автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма Марказий кенгашининг Фарғона вилоят вакиллиги тизимида 54 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Тармоқ ходимларини бой тарихий меросимиздан бахраманд этиш, уларни ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш касаба уюшма ташкилотлари фаолиятининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Бу ишда корхоналар қошида маънавият ва маърифат хоналарининг ташкил этилганлиги қўл келмоқда. Айни вақтда Фарғона вилоятидаги тармоқ корхоналарида 50 дан зиёд шундай хоналар ишлаб турибди.

Маънавий-маърифий тадбирлар вилоятдаги 9-сонли автобус саройи, Автомобил ўқув комбинати, Қўқон автомобил йўллар коллежи, Фарғона автойўл лойиҳа институтларида яхши йўлга қўйилган.

Ўз мухбирларимиз

Тадбир

КАСАБА УЮШМА ТАШАББУСИ

Навоий вилоят Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма вакиллиги шаҳримиз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида кўплаб хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан яқинда ана шу ташкилот тадбир ўтказди: шаҳар тасарруфидаги кам таъминланган, қарамоғида ҳеч кими йўқ, ногирон ва вақтинчалик ишсиз оилаларга моддий ёрдам кўрсатди. Бундан ташқари улар ёшларнинг касб-ҳунарли бўлишига кўмаклашиб, маҳаллаларда касаначиликни ривожлантиришга ҳам эътибор қаратишмоқда.

Шуниндек, Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ўтказилган тадбирда вилоят вакиллиги ҳисобидан «Меъморлар», «Бешкент», «Баҳор», «Мир Саид Баҳром» каби маҳаллалар 2007 йилга «Ишонч» газетасига обуна қилинди.

Й. ШОДМОНОВ,
Навоий шаҳар «Баҳор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Айни кунларда «Бухоро пахта уруғчилиги» масъулияти чекланган жамиятида иш бир маромда давом этмоқда. Гарчи корхонада уч сменали меҳнат ташкил этилган бўлса-да, ҳеч кимда чарчаш, кайфиятсизлик ҳолатлари сезилмайди. Аксинча, барчанинг руҳи кўтаринки, ишида унум бор. Бу — бесабаб эмас. Янги, замонавий агрегат ва механизмлар билан жиҳозланган тоза, кенг ва ёруғ бинода чигит қайта ишланиб, дориланаётганига қарамай, чанг ёки ғубор йўқ. Ҳаво тозалагичлар ишлаб турибди. Бино ҳарорати мўътадил. Барча жараёнлар махсус пульт орқали бошқарилмоқда.

Эртанинг ташвиши

ҚУЛАЙ ШАРОИТ БЎЛГАЧ

— Қулай шароит бўлгач, чарчамайди экан киши, — дейди уста Шуҳрат Суннатов. — 47 кишилик жамоамизнинг барчаси махсус кийимлар билан таъминланган. Бепул иссиқ овқат ташкил этилган. Ходимларимиз саломатлиги доимий тиббий назорат остида. Дорилаш жараёнида қатнашчиларга сут-қатиқ берилади. Ойлик маошлар ўз вақтида тўланаяпти. Қисқаси жамиятимиз аъзоларининг баракали меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитлар бор. Бунинг учун корхона раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитасидан миннатдормиз.

Корхонада бўлганимизда аҳил ва ҳамжиҳат жамоа зиммасидаги масъулиятли ҳамда шарафли вазифани талаб даражасида бажараётганининг гувоҳи бўлдик. Бу ерга пахта тозалаш корхоналаридан келган уруғлик чигит дастлаб навлар бўйича лаборатория таҳлилидан ўтказилади. Кейинги босқичларда у махсус машиналарда сараланади, туксизлантирилади, касаллик ва зараркунандаларга қарши дориланади. Сўнг эса қоғоз қопларга солинган ҳолда тегишли ёрлиқлар ёпиштирилиб, омборларга жўнатилади. Муҳими, жамоанинг ҳар бир аъзоси бу ерда тайёрланаётган сара уруғлик эртанги баракали хирмоннинг пойдеворини яратишини, деҳқоннинг қувончига-қувонч қўшишини, даромади зиёда бўлишини назарда тутган ҳолда меҳнат қилишяпти.

Корхонада 6 минг тонна «Бухоро-6», «Бухоро-8», «Бухоро-102» навлари қайта ишланади. Ҳосилдорлиги юқори, тола узунлиги ва пишиқлиги жиҳатидан халқаро бозорда ўзининг муносиб ўрнига эга ушбу навлар фақатгина вилоят деҳқонларининг эҳтиёжини қондирибгина қолмай, республиканинг бошқа жойларига ҳам жўнатилади.

Жамоа фаолияти билан танишар эканмиз, асосий жараёнлар давом этаётган цехда корхона раҳбари Фазлиддин Абдуллаевга дуч келдик. У ҳар бир участкадаги ишни синчковлик билан кузатар, ишчи-хизматчиларга амалий ёрдам кўрсатиб, техника хавфсизлиги қоидаларига ҳамиша қатъий амал қилишни алоҳида уқтирарди.

— Маҳсулот ишлаб чиқаришда сифат ва кафолат бош шиоримиз бўлиб хизмат қилади, — дейди Ф.Абдуллаев биз билан суҳбат чоғида. — Токи, тайёрланган ҳар бир уруғимиз бехато униб чиқсин. Юқори ҳосил берсин. Деҳқон бойиб, бизга ҳам раҳмат айтсин. Ана шундай яхши ниятлар билан тадбирларнинг ўта муҳимлигини инобатга олган ҳолда вилоят «Ғўза уруғчилиги» бирлашмаси, вилоят «Давуруғназоратмарказ» мутахассислари, Ўзбекистон-Франция ҳамкорлигидаги «Карвон» қўшма корхонаси билан бирга ишлаяпмиз. Мақсадимиз деҳқонлар ишончини оқлаб, уларга белгиланган вақтда етарли миқдордаги сара уруғликни етказиб беришга қаратилган.

Пировардида айтиш мумкинки, бугунги саъй-ҳаракатлар туфайли сифати кафолатланган, тўқ ва соғлом, унувчанлиги юқори уруғликлар пахта эрларимизнинг хирмонларини ҳар қачонгидан юксакроқ бўй кўрсатишига асос бўлади.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ишонч» мухбири
Суратларда: корхона иш фаолиятидан лавҳалар

Дил изҳори

Касаба уюшмалари фаолиятининг асосий мақсади инсонга наф келтиришдан иборат. Мустақиллик йилларида касабақўмларнинг бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди. Корхона ва ташкилотларда, ишлаб чиқариш бўғинларида касаба уюшмаси саъй-ҳаракати билан меҳнат қонунлари, жамоа шартномалари бандлари ижроси тўла қарор топаяпти.

ТАНЛОВЛАР КЎПАЯВЕРСИН

Ўтган йилдан бошлаб «Ишонч» газетасида «Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловининг ташкил этилгани шу соҳада фидойилик кўрсатаётган ва фаровон турмушимизни таъминлашда беминнат ҳисса қўшаётган заҳматкаш инсонлар меҳнатига муносиб баҳо беришга яна бир имконият яратди.

Мен ҳам «Иброҳимжон отанинг саховатпешалиги» сарлавҳали мақола билан танловда иштирок этгандим. Аввало, шу мавзуда яхшигина мақола чоп этилганидан бир қувонган бўлсак, унинг рағбатлантирувчи мукофотга муносиб топилганидан ойламиз аҳли ҳам севинишди. Қолаверса, 45 йилдан буён мактабдан узилмаган ҳолда қалам тебратиб келаётганимга берилган муносиб баҳо эди бу.

Жамоатчи мухбир сифатида ҳамкасбларга омонлик тилаб, газетанинг ва касаба уюшмаларининг яна кўплаб шундай танловлар ташаббускори бўлиб қолишини истайман.

Аскарали МАМАТОВ,
Чортоқ тумани

Ислоҳот одимлари

Юртимизда ишлаб чиқариш субъектларига нисбатан ижтимоий тўловлар ва солиқ юкини енгиллаштириш борасида дадил одимлар ташланмоқда. Бу корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш, уларда бўш иш ўринлари яратилиши ва ишчи-ходимлар реал даромадларининг ортиши ҳамда моддий рағбатлантирилишига кенг имкон туғдирмоқда.

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИГА ИМТИЁЗЛАР

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланадиган ягона ижтимоий тўлов ставкаси ўтган йилда 31 фоиздан 25 фоизга камайтирилган бўлса, бу йил 24 фоизга туширилди. Шунингдек, юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғи ставкаси 2006 йилда 15 фоиздан 12 фоизга, жорий йилда эса 10 фоизга қисқартирилди. Микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси эндиликда 10 фоизни ташкил этмоқда.

Туман Давлат солиқ инспекциямиздан рўйхатдан ўтган корхоналар мисолида бунинг яққол исботини кўришимиз мумкин. Жумладан, «Temiryo'lmashta'mir» корхонасининг 2006 йил учун солинган даромад (фойда) солиқ базаси 164 миллион 231 минг сўм бўлса, 2005 йил учун белгиланган 15 фоизли ставкада солиқ суммаси 24 миллион 634 минг сўм, 2006 йилда 12 фоизли ставка бўйича 19 миллион 707 минг сўм, жорий йилда 10 фоизли ставкада 16 миллион 423 минг сўмни ташкил қилади. Кўриниб турибдики, бунинг натижасида 2006 йилда 4 миллион 926 минг сўм корхона ихтиёрида қолган бўлса, шу йилда ушбу кўрсаткич яна қўшимча 3 миллион 284 минг сўмга ортиши кутилмоқда.

Ягона ижтимоий тўлов миқдори ҳам бир мунча пасайганлиги кузатилади. Хусусан, 2006 йил учун ягона ижтимоий тўлов ҳисобланадиган иш ҳақи фонди 4 миллиард 205 миллион 32 минг сўмга етган. Солиштирадиган бўлсак, 2005 йил учун белгиланган 31 фоизли ставкада ажратма суммаси 1 миллиард 303 миллион 560 минг сўм, 2006 йилда 25 фоизли ставкада бу миқдор 1 миллиард 51 миллион 258 минг сўм, 2007 йил учун белгиланган 24 фоизли ставкада 1 миллиард 9 миллион 207 минг сўмни ташкил этишини кўрамиз. Ушбу ажратма ставкасининг камайтирилиши эвазига корхонанинг ўзида қолаётган маблағлар фойдали мақсадларга йўналтирилмоқда.

«Neftgazkipavtomatika» акциядорлик жамиятида солиқ ва ажратмаларнинг камайтирилиши ҳисобига корхона ихтиёрида бундан ҳам кўп маблағ қолаётганига гувоҳ бўламиз. Биргина жорий йилги солиқ ставкасига мувофиқ 7 миллион 959 минг сўм тежалишига эришилади. Ягона ижтимоий тўловдан эса ўтган йилда 1 миллион 273 минг сўм қолган бўлса, бу йил унга қўшимча 212 минг сўм корхона ихтиёрида қолиши кутилмоқда.

Ш. РАҲМАТУЛЛАЕВА,
Миробод туман Давлат солиқ инспекциясининг ҳуқуқий шахслардан ҳисобот қабул қилиш шўъбаси бошлиғи

МАСЛАҲАТХОНА

САВОЛ: Хизмат вазифасини бажаришда шахсий автомобилдан фойдаланганлик учун компенсация тўланадими?

Р. Солиҳов,
Тошкент шаҳри

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 апрелдаги«Бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларда хизмат енгил автотранспортидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги 154-сон қарори (ВМ 2005 йил 12 август 196-сон, 2006 йил 7 ноябрь 231-сон қарорлари билан ўзгартишлар киритилган) билан тасдиқланган Низомга мувофиқ ходимларнинг шахсий автомобилларидан хизмат мақсадларида (хизмат сафарларидан ташқари) фойдаланганлик учун компенсация миқдори ва уни тўлаш тартиби белгиланган.

Компенсация, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш фаолиятида мунтазам транспортдан фойдаланиш зарурияти билан боғлиқ бўлган ва ушбу мақсадлар учун ўз шахсий енгил автомобилларидан фойдаланадиган ходимларига тўланади.

Тўлов харажатлари хизмат енгил автомобилларини сақлаш учун назарда тутилган маблағлар суммасининг 30 фоизи доирасида амалга оширилади.

Унинг миқдори ходимга фақат хизмат мақсадлари учун фойдаланиладиган автомобилни ишлатиш юзасидан қилинадиган харажатларни қоплашни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Корхона раҳбарининг буйруғи хизмат мақсадлари учун ўзларининг енгил автомобилларидан фойдаланувчи ходимларга компенсация тўлаш учун асос бўлади. Раҳбар машинани ишлатиш шароитларига қараб тўловнинг чекланган миқдорини кўпи билан 10 фоизга оширишга ҳақлидир.

Компенсация олиш учун ходимлар корхона бухгалтериясига шахсий автомобиль техник паспортининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхасини тақдим этадилар.

Компенсация ойига бир марта, ойнинг иккинчи ярми учун иш ҳақи билан бир вақтда тўланади.

Ходим таътилда, хизмат сафарида бўлган, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги туфайли, шунингдек, у бошқа сабабларга кўра ишга чиқмаган, шахсий автомобилдан фойдаланмаган вақтлар учун компенсация тўланмайди.

Компенсацияга солиқ солинмайди ва у ўртача иш ҳақи ҳисоблаб чиқарилаётганда ҳисобга олинмайди.

САВОЛ: Икки ёшга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақа тайинлашда оиланинг даромади ҳисобга олинадими?

Г. Сапарова,
Деҳконобод тумани



ЖАВОБ: Албатта. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Вазирлиги, «Маҳалла» жамғармаси, Молия Вазирлиги, Халқ Банкининг 2002 йил 24 мартдан кучга кирган қўшма қарори билан тасдиқланган Низомда белгиланган мезонларга мувофиқ ишламайдиган оналарга (уларнинг ўрнини босувчи шахсларга) болани парвариш қилиш нафақаси оила даромадини ҳисобга олган ҳолда тайинланади.

Нафақага муҳтожликни белгилайдиган мезон оила жами даромадининг унинг ҳар бир аъзосига энг кам иш ҳақининг 1,5 бараваридан кам миқдорда тўғри келиши ҳисобланади. Бу мурожаат қилинган ойдан олдинги 12 ой учун ҳисоб-китоб қилинади. Шу даврдаги олинган даромадларнинг барча турлари қўшилади. Пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий тусдаги бошқа тўловлар, шунингдек, шахсий ёрдамчи хўжаликдан олинадиган даромадлар шулар жумласидандир.

Оила аъзолари ҳар бирининг ўртача даромади белгиланган мезонга мувофиқлигини таҳлил қилиш натижалари бўйича ва комиссия хулосаси асосида болани парвариш қилиш нафақасини олишга муҳтож оилалар рўйхати тузилади. У қишлоқ ёки маҳалла фуқароларининг йиғини кўриб чиқишига киритилади.

Нафақа тайинлаш ёки уни тайинлашни рад этиш тўғрисидаги қарор қишлоқ ёки маҳалла фуқароларининг йиғини ёки у махсус ваколат берган комиссия томонидан очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

Саволларга ҳуқуқшунос
Д. МАДИЕВ жавоб берди

2007 йил учун ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ

1

Маълумки, жамоа шартномалари ходимлар билан иш берувчиларнинг меҳнатга оид муносабатларини шартнома асосида тартибга солишга ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштиришга ёрдам бериш мақсадида тузилади, чунки амалдаги қонунлар бу борада фақат энг кам миқдордаги ижтимоий зарурият даражасини белгилаб берган.

Бугунги кунда, жамоа шартномаси - корхона (ташкилот, муассаса[1])да иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий, касбга оид муносабатларни нафақат тартибга солувчи, балки барқарорлаштирувчи локал норматив ҳужжат сифатида тан олинмоқда.

Жамоа шартномалари, мулкчилик шакли, қайси идорага бўйсуниши ва ходимлар сонидан қатъий назар, корхоналар ва уларнинг юридик шахс ҳуқуқи берилган таркибий бўлинмаларида тузилади. Жамоа шартномаси амал қилиш муддатини томонлар белгилайди, одатда бу муддат ҳаракатдаги тармоқ келишувининг амал қилиш муддатидан ошмайди.

Меҳнат жамоаси умумий мажлиси (конференцияси) маъқуллаган, корхона раҳбари ва касаба уюшма қўмитаси раиси (ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи раҳбари) имзо чеккан жамоа шартномаси норматив-мажбурий кучга эга бўлади.

Жамоа шартномаси тузилиши олдидан иш берувчи билан касаба уюшма ўртасида музокаралар олиб борилади. Бунда касаба уюшмаси ёлланма ходимлар номидан қатнашади, уларнинг манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади. Томонлардан бирининг талаби, ташаббуси музокараларни бошлаш учун асос бўла олади. Тегишли ёзма хабар олган тараф етти кунлик муҳлат ичида музокараларга киришиши шарт.

Музокаралар олиб бориш учун томонларнинг тенг сонли вакилларидан иборат комиссия ташкил этилади. Комиссия таркиби, томонлар вакилларига бериладиган ваколатлар, музокаралар давомида уларнинг иш жойи, маоши, меҳнат ва ижтимоий имтиёзлари сақланиб қолиниши масалалари томонларнинг қўшма қарори билан тасдиқланади. Музокара иштирокчиларига жамоа шартномаси мазмунини ташкил этувчи масалаларни эркин танлаш ва муҳокама этишда тўла эркинлик берилади.

Иш берувчилар касаба уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари кўриб чиқиш учун таклиф этган меҳнатга оид ва ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан музокаралар олиб боришга мажбурдирлар.

Иш берувчилар касаба уюшмаларига, ходимларнинг бошқа вакиллик органларига музокаралар учун ўзларидаги зарур маълумотларни беришлари шарт. Музокараларнинг қатнашчилари, музокара олиб бориш билан боғлиқ бўлган бошқа шахслар, башарти ўзлари олган маълумотлар давлат ёки тижорат сири бўлса, уларни ошкор қилмасликлари керак.

Агар музокаралар жараёнида тарафлар ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра муросага кела олмаган бўлсалар, баённома тузилиб, унга тарафларнинг бу

[1] Қуйида «корхона», деб юритилади

2

сабабларни бартараф этиш учун зарур чоралар ҳақидаги тугал равишда баён этилган, шунингдек музокараларни қайта тиклаш муддатига доир таклифлари киритилади.

Комиссия ишлаб чиққан жамоа шартномаси лойиҳаси корхонанинг таркибий бўлинмаларида муҳокама қилинади ва тушган танқидий фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифлар ҳисобга олиниб, меҳнат жамоасининг умумий мажлиси (конференцияси) муҳокамасига қўйилади. Жамоа шартномасига томонлар унинг лойиҳаси меҳнат жамоасининг умумий мажлиси (конференцияси)да маъқулланганидан кейин уч кун ичида имзо чекишади.

Иш берувчининг манфаатларини ифода этувчи шахслар қуйидагилар учун жавобгар бўладилар:

- жамоа шартномасини тузиш, ўзгартириш ёки тўлдириш юзасидан олиб борилаётган музокараларда қатнашишдан бўйин товлаганлик ёки уларни ишлаб чиқиш ва тузиш муддатини бузганлик ёхуд тарафлар белгилаган муддатда тегишли комиссиянинг ишини таъминламаганлик учун;
- музокаралар олиб бориш ва жамоа шартномасига риоя этилиши устидан текшириш олиб бориш учун керакли ахборот тақдим этмаганлик учун;
- жамоа шартномаси мажбуриятларини бузганлик ва бажармаганлиқ учун. Касаба уюшмаси, ходимларнинг бошқа вакиллик органи талабига кўра мулкдор ёки у вакил қилган шахс жамоа шартномаси мажбуриятлари бузилишида ёки бажарилмаслигида айбдор бўлган раҳбарга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўриши шарт.

2006 йилда жамоа-шартномавий муносабатлар аҳволини жойларга чиқиб ўрганиш шуни кўрсатдики, жамоа шартномаларини қонун талабларига мувофиқлаштириш борасидаги камчиликлар ҳамма жойда ҳам бартараф этилмаяпти.

Баъзида жамоа шартномаларида касаба уюшма қўмиталарининг обрў-эътиборини оширишга, уларга ходимларнинг корхонадаги чинакам ваколатли, тенг ҳуқуқли орган мавқеини беришга қаратилган энг асосий талаблардан бири - ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаларини иш берувчининг ташаббуси билан фақат касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилигини олган ҳолда бекор қилиш мумкинлиги масаласи акс эттирилмаяпти. Бундай меъёр жами жамоа шартномаларининг 53 фоизига киритилган.

Баъзида жамоа шартномаларига киритилаётган бандларнинг аксарияти Меҳнат Кодексидан ва «Ишонч» газетасида эълон қилинадиган тавсиялардан ҳеч қандай аниқлик киритмасдан айнан кўчириб олинмоқда ва шу боис мантиқсиз бир ҳолга келтирилмоқда.

Айни вақтда бир қатор жамоа шартномаларида норматив тусдаги қоидалар жамоа шартномасида акс эттирилиши шарт, деб Меҳнат кодексида бевосита кўрсатма берилган моддалар талаблари ўз ифодасини топмаяпти. Чунончи, «Зафаробод пахта тозалаш», «Челак МТП», «Сирдарё пахтатранс», «Норин тола», «Андижон ёғ-мой», «Хонқа дон маҳсулотлари», «Жиззах электр тармоқлари», «Наманган электр тармоқлари», «Технолог», «Подъёмник» акциядорлик жамиятларида,

3

чет эл инвестициялари иштирокидаги «Б-Алтайсервис», «Боғот Текстил», «Косонсой Текмен», «Игиликгаз МЧЖ», «Нефтегазмонтаж МЧЖ» корхоналарида, «Халқ банки» Тошкент шаҳар филиалида, «Тадбиркорбанк» Хива филиалида, «Жиззахавтойўлқурилиш» шўъба корхонасида, Беруний, Кармана, Пайариқ, Пахтакор, Боғдод туман марказий шифохоналарида, Нурота, Боёвут, Зафаробод туман халқ таълими бўлимларида ва бошқа қатор корхона, ташкилот, муассасаларда қабул қилинган жамоа шартномалари мисолида шундай аҳволни кузатиш мумкин.

Бу — иш берувчининг ташаббуси билан ходимни бошқа ишга вақтинчалик ўтказишга, иш вақтини жамлаб ҳисоблаб чиқиш тартибига, дам олиш ва байрам кунлари ишга жалб қилиш асосларига, тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузиш мумкин бўлган ходимлар рўйхатини белгилашга, ходимнинг айби билан ишлаб чиқилган қисман яроқсиз маҳсулот учун камайтирилган ишбай баҳоларга ва бошқа қатор ҳолатларга тааллуқли масалалардир.

Жамоа шартномаларига, шунингдек, томонларнинг мажбуриятларни сўзсиз бажаришлари учун масъулиятини оширадиган талаблар киритилмаяпти. Чунончи, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг 19 мартидаги 88-сонли қарорида касаба уюшмаларига тавсия қилинган тадбирлар, яъни мажбуриятларни бажармаган айбдорларга нисбатан чора кўриш, иш берувчининг айби билан иш ҳақини тўлаш муддатини кечиктиргани учун жавобгарлиги, шу жумладан моддий жавобгарлиги масалаларига ҳам аксарият жамоа шартномаларида изоҳ берилмаган.

Баъзида жамоа шартномаси ходимга имтиёзлироқ шарт-шароит яратиш ўрнига унинг аҳволини ҳатто меҳнат қонунлари ва бошқа норматив тусдаги ҳужжатларга нисбатан ёмонлаштирадиган, қонуний ҳуқуқларини чеклаб қўядиган ҳужжатга айланмоқда. Масалан, «Бекободцемент», «Далварзин пахта тозалаш», «Хива гилами», «Антекс», «Алоқаинвест» акциядорлик жамиятлари, чет эл инвестициялари иштирокидаги «Коском», «Ойим текстил» (Андижон вил.), «ДЭУ текстайл компани» (Фарғона вил.) корхоналари, Боғдод туманидаги «78-АТП» МЧЖ, АТ «Алоқабанк», «Медиосервис» хусусий клиникаси (Гулистон ш.), Жиззах насос станцияларидан фойдаланиш бошқармаси, Булунғур туман маданият ва спорт ишлари бўлими, «Тошшаҳаргаз» корхонаси жамоа шартномаларига қонунга зид меъёрлар киритилган эди.

Автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл хўжалиги, Агросаноат мажмуи, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати, Енгил, мебел саноати ва коммуналмаиший хизмат кўрсатиш, Маданият, Савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар, Соғлиқни сақлаш, Таълим ва фан тармоқларидаги қатор жамоа шартномаларида ҳаракатдаги тармоқ келишувлари меъёрлари инобатга олинмаяпти.

Қатор жамоа шартномаларида, шунингдек, гендер тенглиги, ногиронлар, пенсионерлар, ишлаётган байналминалчи жангчилар, Чернобил АЭС фалокати оқибатларини бартараф этишда қатнашганлар ва 18 ёшга тўлмаган ходимлар ижтимоий ҳимоясига тааллуқли масалалар акс эттирилмаяпти.

4

Шунинг учун ҳам касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг қарори билан жорий этилган жамоа шартномалари лойиҳаларини экспертиза қилиш ва қабул қилинганларини рўйхатдан ўтказиш тартиби ушбу жараёнга ижобий таъсир кўрсатишнинг бирдан-бир йўлидир. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ушбу масалага жиддий ёндошилган жойларда жамоа шартномаларининг савияси анча кўтарилди.

Лекин, буни барча касаба уюшма органлари тушуниб етишди, деб бўлмайди. Автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон Республика вакиллигида, Машинасозлик ва металлургия саноати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят раислар кенгашида, Савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси Жиззах вилоят кенгашида, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Беруний, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Оҳангарон, Тўрткўл туман кенгашларида, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Олмалиқ шаҳар вакиллигида жамоа шартномалари лойиҳаларини экспертиза қилиш ишлари йўлга қўйилмаган эди.

2006 йил декабр ойида бўлиб ўтган мажлисда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши касаба уюшмалари фаолияти амалиётига қуйидаги янгиликларни киритиш тўғрисида кўрсатма берди:

- тегишли жамоа келишувлари меъёрларини жамоа шартномаларида инобатга олиш имконини берадиган ягона музокара жараёнини қўллаш;
- тажриба тариқасида танлаб олинган тармоқлар ва минтақаларда тармоқ келишувларидан тариф келишувларига, худудий келишувлардан минтақавий келишувларга амалда ўтиш;
- меҳнат маслаҳатлари тизимига асосланган мосланувчан жамоа шартномаларини тажриба сифатида тузиш;
- меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини жамоа шартномалари орқали корхоналар маблағи ҳисобидан дам олдириш ва соғломлаштириш қўламини кенгайтириш.

Мазкур тавсияларда 2007 йил учун жамоа шартномаларини тузишда эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлган асосий масалалар келтирилган.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Жамоа шартномаси томонлари.

1.2. Жамоа шартномасининг кучга кириш вақти ва амал қилиш муддати.

1.3. Жамоа шартномасининг ходимлар тоифалари, корхона бўлинмаларига нисбатан амал қилиш доираси.

1.4. Жамоа шартномасини қайта тузиш шартлари, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби.

1.5. Жамоа шартномаси ижросини оммавий тарзда текшириш муддатлари.

1.6. Касаба уюшма қўмитаси тақдимномаларини иш

5

берувчи томонидан кўриб чиқиш муддатлари ва мажбуриятларни бажармаганларга нисбатан кўриладиган чоралар.

1.7. Келишмовчиликларни ўзаро ишонч ва ҳурмат асосида ҳал этиш йўллари.

II. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1 Касаба уюшма томонидан ишлаб чиқаришни юксалтириш ходимлар фаровонлигининг негизи эканлигини эътироф этилиши.

2.2. Иш берувчи томонидан касаба уюшма қўмитасини корхона ходимларининг ягона ваколатли вакили сифатида тан олиниши.

2.3. Томонлар касаба уюшмаси аъзолик бадалларининг корхона бухгалтерияси орқали пул ўтказиш йўли билан тўланиши тартибини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.

2.4. Иш берувчининг мажбуриятлари:

а) жамоа шартномасига киргмаган ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича қарорлар қабул қилишдан олдин касаба уюшма қўмитаси билан олдиндан келишиб олиш;

б) касаба уюшма қўмитаси талаб қилганда унга меҳнат ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан маълумотлар тақдим этиш;

в) касаба уюшма қўмитасининг уставда белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун уни хоналар, транспорт, ташкилий техника, алоқа воситалари, канцелария моллари билан бепул таъминлаш;

г) касаба уюшма қўмитаси ҳисоб рақамига маданий-оммавий ва спорт- соғломлаштириш ишлари учун ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг _____% миқдорида пул ўтказиб бериш;

д) барча ходимлар жамоа шартномасининг мазмуни билан таништирилиши учун тегишли чораларни кўриш.

2.5. Касаба уюшма қўмитасининг мажбуриятлари:

а) корхонанинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш дастурларини бажарилишига кўмаклашиш, бу борада ходимлар ташаббуси ва ижодиётини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;

б) қўлланилаётган меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари, иш ҳақи тўланиши, жамоа шартномаси бўйича қўшимча тўловлар берилиши тўғрилигини, шунингдек меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги шароитларини яхшилаш бўйича тадбирлар бажарилишини назорат қилиш;

в) меҳнат тўғрисидаги қонунлар ижросини назорат қилиш, ходимлар ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга кўмаклашиш;

г) иш жойларидаги мавжуд камчиликларни ўз вақтида бартараф этилишига эришиш ва иш жойларини меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва саноат санитарияси қоидалари талабларига мувофиқ ҳолатга олиб келиш борасида иш берувчи томонидан тегишли чоралар кўрилишини талаб қилиш;

6

д) ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини дам олиши ва соғломланиши учун ходимларнинг аризаларини тегишли соғломлаштириш масканларига йўлланмалар билан амалдаги меъёрлар доирасида таъминлаш;

е) корхонада меҳнат ва турмуш шароитлари аҳволининг жамоат назоратини ташкил қилиш ва амалга ошириш;

ж) касаба уюшма аъзолари орасида меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга қаратилган тушунтириш ва ташкилий ишларни олиб бориш, можароларга олиб келувчи вазиятларни олдини олишга қаратилган чоралар кўриш;

з) касаба уюшма аъзоларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш.

III. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

3.1. Жорий йилда бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳажми.

3.2. Режалаштирилган фойда миқдори ва уни тақсимлаш йўллари.

3..3. Хомашёни етказиб бериш ва тайёр маҳсулотни сотиш шартномалари.

3.4. Корхона таъсислигида барпо этилган кўшма, кичик корхоналар ва бошқа ташкилотлар фаолият кўрсатишининг шартлари.

3.5. Ишлаб чиқариш дастурининг бажарилганлиги, молиявий аҳвол ва корхона фойдасидан фойдаланиш тўғрисида меҳнат жамоасини мунтазам хабардор қилиб бориш тадбирлари.

3.6. Ходимларни бозор муносабатларининг энг долзарб масалалари бўйича ўқитиш шарт-шароитлари.

IV. МУЛК ШАКЛЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ (ХУСУСИЙЛАШТИРИШ)

4.1. Корхонани ва идорага қарашли турар жойни хусусийлаштириш вақтида ходимларнинг манфаатларига риоя қилиш.

4.2. Меҳнат жамоасида жойлаштиришга мўлжалланган акцияларнинг ходимлар томонидан тўла сотиб олинишини таъминлаш чоралари.

4.3. Хусусийлаштирилгандан кейин ижтимоий инфратузилма объектларини фаолият кўрсатиш тартиби.

4.4. Аввал тузилган жамоа шартномасини корхона хусусийлаштирилганидан кейин амал қилиш муддатлари ва шартлари.

V. МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ

5.1.Меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари, тизими ва миқдори, пул мукофотлари, қўшимча тўловлар, нафақалар, компенсациялар, устамалар, рағбатлантириш тизидаги тўловлар. Нархларнинг ўзгариб бориши, инфляция даражаси, жамоа шартномаси билан белгилан-

7

ган кўрсаткичларнинг бажарилишига қараб меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш механизми. (Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан етиштирилган ва қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан амалга ошириладиган (натура шаклидаги) тўловларни маълум фоиз билан чегаралаш, тўловнинг бу шакли қўлланилганда касаба уюшмалари аъзолик бадалларини тўлиқ ҳажмда ва ўз вақтида ўтказишни таъминлаш).

5.2. Ягона тариф сеткаси нуллик разрядининг мазкур корхонада ўрнатиладиган ставкаси, ўртача иш ҳақини етказиладиган даражаси.

5.3. Иш ҳақини тўлаш муддатлари.

5.3.1. Иш берувчининг айби билан ходимга ҳақ тўлаш белгиланган муддатларга нисбатан кечикканлиги учун жавобгарлиги, шу жумладан, моддий жавобгарлиги.

5.3.2. Иш берувчи (ёки унинг вакили сифатида қатнашувчи шахс)нинг айби билан иш ҳақини тўлаш кечиктирилганда, унинг миқдорини индексация қилиш, ёки ходим фойдасига пеня ҳисоблаб чиқариш масаласи, раҳбарга нисбатан кўриладиган чоралар.

5.3.3. Иш ҳақи дебиторлик қарзларнинг ундирилмаганлиги сабабли кечиктирилганда, дебиторлар билан тузилган шартнома ва солиштирма далолатномаларга мувофиқ қарздорлик билан бирга тегишли жарималар ва пенялар ундирилишини таъминлаш ҳамда ундирилган маблағлар ҳисобига меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш борасида иш берувчининг мажбурияти.

5.3.4. Иш ҳақи тўловлари банк муассасалари айби билан кечиктирилганда банк билан мижоз ўртасида тузилган шартномага асосан тўловлар тегишли жарималар инобатга олинган ҳолда берилишини банкдан талаб қилиш ва шу маблағ ҳисобига меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш борасида иш берувчининг мажбурияти.

5.3.5. Корхона балансида юқори ликвидли мулки бўлган тақдирда, иш ҳақидан қарздорликни тугатиш мақсадида мулкчилик гарови асосида банкдан кредит олиш борасида иш берувчининг мажбурияти.

5.4. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг тариф ва тарифга қўшимча қисмлари ўртасида мақбул нисбатни ўрнатиш.

5.5. Меҳнатнинг янги нормалари, тариф сеткаси ва ишбай баҳоларни касаба уюшма қўмитаси билан албатта келишиб олиш, уларни жорий этиш тартиби.

5.6. Тўлиқ миқдорда ҳақ тўлаш учун имтиёзли меҳнат меъёрлари ўрнатилган шахслар (I ва II гуруҳ ногиронлари, 18 ёшга тўлмаган ходимлар, қисқартирилган иш вақти режимида ноқулай меҳнат шароитида банд қилинган ходимлар ва бошқалар) рўйхати.

5.7. Ходимларнинг турли тоифалари учун жорий этиладиган устамалар, қўшимча тўловлар ва компенсацияларнинг аниқ миқдорлари:

- ноқулай, оғир ва зарарли меҳнат шароитлари учун қўшимча тўловлар;
- кечки сменадаги, тунги вақтдаги, иш вақтидан ташқари вақтлардаги, дам олиш ва байрам кунларидаги

8

ишлар учун оширилган миқдордаги иш ҳақи;
- ишдаги иқлим шароитлари учун (ёз ва қиш фасларида) қўшимча тўловлар;
- бригадага раҳбарлик қилгани учун, ўриндошлик учун қўшимча тўловлар;
- кўп йиллик узлуксиз хизматлари учун, юқори касб маҳорати учун устамалар;
- ходимнинг хизмат даврида кўчиб юриш билан боғлиқ ишлардаги қўшимча харажатларини, шунингдек бошқа жойга кўчиб бориш билан боғлиқ харажатларини, хизмат сафари давридаги суткалик харажатларини қоплаш;
- қишлоқ хўжалиги ишларига жалб этилган ходимларнинг ўртача иш ҳақини сақлаб қолиш;
-. иш берувчининг розилиги билан ходимга тегишли мол-мулк (транспорт воситалари, асбоблар, ашёлар ва ҳоказо)дан фойдаланилганда ушбу харажатларни қоплаш;

ходимнинг айби билан қисман брак деб топилган маҳсулотга ҳақ тўлаш миқдорлари;

- иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш мақсадида (малака ошириш, рационализаторлик таклифларини жорий этиш ишида қатнашиш, хизмат сафарида бўлиш, тиббий кўрикдан ўтиш, навбатчилик ва бошқа ҳолларда) ходимни ишдан озод этиш шартлари, шунингдек, ана шу давр учун тўланадиган кафолатли тўловлар миқдори;

5.8. Йил якунлари бўйича мукофотлаш, тақдирлаш тизимлари.

5.9. Қўшимча имтиёзлар (овқатланишни арзонлаштириш, ишга бориб-келишдаги транспорт харажатларини қоплаш ва ҳоказо).

(Агар жамоа шартномасида корхона молиявий аҳволи ёки ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ёмонлашган тақдирда қўшимча ва устама тўловлар бекор қилиниши кўзда тутилган бўлса, шартнома матнида бу тушунчалар нимани англатиши изоҳлаб берилиши керак).

VI. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ. БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИ

6.1. Касбига, малакасига ва меҳнат шартномасига мувофиқ ходимларни тўла-тўкис иш билан таъминлаш.

6.2. Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишни фақатгина касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилигини олиб амалга ошириш (корхона тугатилган ҳамда корхона раҳбари билан Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисмига биноан, шунингдек раҳбар ўринбосарлари ва бош ҳисобчи билан мулкдорнинг алмашиши сабабли меҳнатга оид муносабатлар бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно).

6.3. Ходимнинг ташаббуси билан уни вақтинча бошқа ишга ўтказиш учун узрли сабаблар рўйха-

ТУЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

9

ти, шунингдек бошқа ишга ўтказилганда меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби.

6.4. Иш берувчининг ташаббуси билан ходимни бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси, меҳнатга тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдорлари, шунингдек ишлаб чиқариш зарурияти деб ҳисобланадиган ҳолатлар.

6.5. Корхона ва унинг тизим бирликларини тугатиш ёки қайта ташкил этиш, ишлаб чиқаришни бутунлай ёки қисман тўхтатиш тўғрисидаги ниятни (агар бундай ҳолатлар иш жойларини қисқартирилишига ёхуд меҳнат шартларини ноқулай тарзда ўзгартиришга олиб келадиган бўлса) касаба уюшма қўмитасига камида икки ой олдин етказиш.

6.6. Иш ҳажми камайганда, мулк шакли ўзгарганда иш жойлари ва кадрларни сақлаб қолиш мақсадида ишловчиларни иш берувчи ҳисобидан қайта тайёрлаш ва қайта ўқитиш.

6.7. Ходимлар сони қисқартирилаётганда:

а) ишдан бўшатиб олинган ходимларни иш билан таъминлаш учун цехлар, ижарали, кичик корхоналар барпо этишни кўзда тутиш;

б) вақтинча ишлайдиган ходимлар сонини чегаралаш, ўриндошликни тақиқлаш, четда бажариладиган ишларни жамоанинг ўзига бериш;

в) ходимларнинг хоҳишига кўра уларга иш ҳақи сақланмаган ҳолда қисқа муддатли таътиллар бериш;

г) қисқартириш тўғрисидаги огоҳлантириш амал қилаётган даврда ходимнинг ўз хоҳиши билан меҳнат шартномасини бекор қилинишини томонлар келишувига биноан огоҳлантириш муддатига мувофиқ келадиган пуллик компенсация тўлаш билан амалга ошириш;

д) бўшатиб олинаётган ходимларни ишга жойлаштириш ва бошқа касбга ўргатиш учун меҳнат органлари билан шартнома тузиш;

е) меҳнат бозорида тенг шароитда рақобат қила олмайдиган ходимларнинг штатлар қисқартирилиши муносабати билан ишдан бўшатилишига йўл қўймаслик;

ж) қисқартириш ўтказилаётганда ишда қолдириш учун афзаллик ҳуқуқи бериладиган ходимларнинг қўшимча тоифаларини белгилаб қўйиш (агар улар Меҳнат кодексининг 103-моддасига биноан бундай имтиёзга эга бўлмасалар).

6.8. Меҳнат шартномаси томонларининг моддий жавобгарлиги. Иш берувчининг ходим келтирган зарарни қоплаш тўғрисидаги даъвосидан воз кечиш ҳоллари.

6.9. Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузиладиган ходимларнинг (агар улар бевосита пул ёки товар қимматликлари билан муомала қиладиган бўлсалар) тоифалари рўйхати, шунингдек бевосита пул ёки товар бойликлари билан муомала қилувчи ходимлар томонидан ишлар биргаликда бажариладиган бўлса, жамоа (бригада) моддий жавобгарлиги жорий этилиши мумкин бўлган бўлинмаларнинг

10

рўйхати.

VII. ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ

7.1. Ходимлар учун иш ҳафтасининг узунлиги (соат):

- нормал меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун (МК 115-моддасига биноан: 40 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас);
- меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар учун 15-сон иловада келтирилган рўйхатга мувофиқ (МК 117-моддасига биноан 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас);
- 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ходимлар учун (МК 242-моддасига биноан 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас);
- 16 ёшга тўлмаган ходимлар учун (МК 242-моддасига биноан 24 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас);
- I ва II гуруҳ ногиронлари бўлган ходимлар учун (МК 220-моддасига биноан 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас);
- алоҳида тусга эга бўлган ишларда ва меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун (Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарорида кўрсатилган меъёрлар);
- уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган ташкилотлар ва муассасаларда ишлаётган аёллар учун (МК 228-моддасига биноан 35 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас);

7.2. Ходимларни иш вақтидан ташқари вақтлардаги, кечки ва тунги вақтдаги, дам олиш ва байрам кунларидаги ишларни бажаришга жалб этиш тартиби.

7.3. Ходимлар турли гуруҳлари учун иш куни (сменаси)нинг узунлиги.

7.4. Ходимнинг илтимосига кўра унга тўлиқсиз иш вақти белгиланиши учун асослар рўйхати.

7.5. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олишни қўллаш тартиби, шунингдек ҳисобга олинадиган давр мобайнида ходимларга ҳар ойда тўланадиган иш ҳақи миқдорини тенглаштиришга қаратилган чора-тадбирлар. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олишда ҳисобга олинадиган давр муддати (ой, чорак, ярим йил, йил).

7.6. Йиллик асосий ва йиллик асосий узайтирилган таътилларнинг энг кам муддати.

7.7. Йиллик қўшимча таътиллар олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати, қўшимча таътиллар муддати, уларни бериш тартиби ва шартлари.

7.8. Йиллик қўшимча таътилларни олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблаб чиқаришнинг алоҳида қоидалари.

7.9. Табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай жойларда (ҳатто улар бундай жойларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томони-

11

дан белгиланган рўйхатга кирмаган тақдирда ҳам) ходимларга йиллик қўшимча таътил бериш масаласи.

7.10. Йиллик меҳнат таътиллари учун ҳақ тўлаш муддатлари.

7.11. Болалик аёл ходимлар учун:

- болани парваришлаш таътиллари вақтини кейинги ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўшиш шартлари.
- икки ёшга тўлмаган болани овқатлантириш учун бериладиган танаффусларнинг аниқ муддати ва уларни бериш тартиби;

7.12. Ходимларга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътиллар бериш шартлари. Муддати икки ҳафтадан кўп бўлган иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътиллар вақтини ҳам йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажига қўшиш шартлари.

7.13. Ходимларга оилавий сабабларга кўра, шунингдек ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётган ходимларга, иш ҳақи сақланиб қолдириладиган қўшимча таътиллар (меҳнат таътилидан ташқари) бериш шартлари.

VIII. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

8.1. Иш жойларидаги меҳнат шароитларини, меҳнат муҳофазасини ва техника хавфсизлиги аҳволини яхшилаш бўйича тадбирлар ўтказиш учун зарур бўлган маблағ ва ашёлар ажратилишини кўзда тутиш ва уларни ишлатиш тартиби.

8.2. Меҳнат шароити ноқулай ишларнинг рўйхати, бу ишларда банд бўлган ходимларга бепул бериладиган сут (ёки шунга тенг озиқ-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун), махсус кийим-бош, махсус пойабзал, бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситаларининг нормалари, таъминот тартиби ва шартлари.

8.3. Меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимларни корхона ҳисобидан тиббий кўрикдан ўтказиш муддатлари.

8.4. Асбоб-ускуналар, машина ва механизмларни хавфсизлик талабларига мувофиқ ҳолга келтириш.

8.5. Ишлаб чиқариш бино ва иншоотларини техник жиҳатидан қониқарли ҳолда сақлаш.

8.6. Иш жойларида чангланиш, ифлосланиш, шовқин ва тебранишларнинг нормада бўлишини таъминлаш, иш жойларида об-ҳаво, намгарчилик режими ва ёруғликнинг нормал бўлишига эришиш.

8.7. Оғир меҳнат шароитларида банд бўлган ходимлар сонини камайтириш чоралари, бундай ишларда хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланишдан воз кечиш.

8.8. Меҳнат шароитлари ва муҳофазаси қоидаларига мувофиқ иш жойларини паспортлаштириш ва аттестациялашни ўтказиш.

12

8.9. Куз-қиш даврида ишлашга тайёргарлик кўриш юзасидан тадбирлар бажарилишини назорат қилиш.

8.10. Ходимлар айрим гуруҳларини махсус кийим-бош билан қўшимча таъминлаш шартлари.

8.11. Ўз вақтида ювиш учун махсус кийим-бошни икки комплектда бериш масаласини кўриб чиқиш.

8.12. Барча ходимларга озиқ-овқат, сут ва сут маҳсулотлари, витаминли дори-дармонлар ва ҳоказоларни бепул бериш имкониятлари.

8.13. Ходимларни корхона ҳисобидан бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларидан суғурта қилишнинг аниқ миқдорлари.

8.14. Бахтсиз ҳодиса оқибатида ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки унинг вафоти муносабати билан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори.

(Мазкур боб бўйича батафсилроқ тавсиялар алоҳида чоп этилади)

IX. МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ

9.1. Ходимлар томонидан меҳнат вазифаларини бажарилишини мавжуд меъёрий ҳужжатлар (меҳнат шартномалари, Устав, корхона Устави, Низоми, ички тартиб қоидалари) асосида назорат қилиниши ва амалга оширилиши.

9.2. Ходимларни ишдаги мувофаққиятлари учун рағбатлантириш турлари, уларни қўллаш тартиби, афзаллик ва имтиёзлар бериш.

9.3. Юбилей саналари ва пенсия ёшига етганда рағбатлантириш.

9.4. Ходимларнинг корхона (тармоқда)ги узлуксиз меҳнат стажи саналари муносабати билан рағбатлантириш.

X. ИЖТИМОИЙ ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР

(Мазкур бобга киритилган ижтимоий тўловлар миқдорини Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида режалаштириш, шунингдек аввалги йилларда ўрнатилган имтиёзларни имкон қадар сақлаб қолиш масқадга мувофиқдир).

10.1. Ходимларнинг турли гуруҳлари учун ижтимоий-маиший имтиёзлар, қўшимча ижтимоий суғурталаш, моддий ёрдам кўрсатиш, тиббий хизмат кўрсатиш, дам олиш ва санатория-курортларда даволаш, уй-жой қурилиши масалалари ва ҳоказо. Ягона ижтимоий тўлов ставкаси пасайтирилиши натижасида иқтисод қилинган маблағларни ушбу мақсадларга йўналтириш бўйича иш берувчининг мажбурияти.

10.2. Меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар учун қўшимча имтиёзлар.

10.3. Таълим муассасаларида ишлаб чиқариш-

13

дан ажралмаган ҳолда ўқиб ўқув режасини бажараётган ходимлар учун иш жойидан ҳақ тўланадиган қўшимча таътилга чиқиш, қисқартирилган иш ҳафтаси шароитида ишлаш ва бошқа имтиёзлар.

10.4. «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 10-моддасига биноан пенсия ёшига яқинлашиб қолган ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган ҳисоб варақларига қўшимча маблағ ўтказишни назарда тутиш мумкин, бунинг учун қўшимча маблағнинг миқдори ва ўтказиш муддатларини жамоа шартномасида белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

10.5. 2007 йилни Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилиниши муносабати билан қуйидаги тадбирларни амалга ошириш:

10.5.1. қам таъминланган, кўп болали оилаларга, уруш ва меҳнат фахрийларига моддий ёрдам кўрсатиш;

10.5.2. ходимларни, шу жумладан камида 30 фоиз ногиронларни, ёлғиз қарияларни, уруш ва меҳнат фахрийларини, кам таъминланган оила аъзоларини маданий дам олдириш ва соғломлаштиришни ташкил этиш;

10.5.3. санатория-профилакторийда соғломлаштириш учун камида 4 фоиз йўлланмани корхонанинг ишламайдиган фахрийларига ажратиш.

10.5.4. меҳнат жамоасига алоқадор ногирон, кам таъминланган, кўп болали оилаларга, собиқ байналминалчи жангчилар, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, Чернобил АЭСдаги ҳалокат оқибатида нурланиш касаллигига чалинганларга тиббий кизмат кўрсатиш, дори дармонлар билан боғлиқ сарф- харажатларни қоплаш ва уларга моддий ёрдам бериш;

10.5.5. ишловчи аёлларга бериладиган туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътиллар кунини корхона ҳисобидан узайтириш;

10.5.6. кўп болали (4 ва ундан ортиқ боласи бор) аёлларнинг ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтасини 1 соатга қисқартириш;

10.5.7. фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар таътилда бўлган оналарга ҳар ойда моддий ёрдам кўрсатиб бориш;

10.5.8. барча ходимларни, айниқса ёш аёлларни тиббий кўрикдан ўтиш харажатларини иш берувчи маблағи ҳисобидан қоплаш;

10.5.9. корхонада меҳнат қилаётган, кам қонли, тиббий ёрдамга муҳтож бўлган аёлларга жойлардаги тиббий муассасаларда корхона ва ташкилот ҳисобидан бепул даволанишни йўлга қўйиш;

10.5.10. ёлғиз пенсионерларнинг уй-жойларини таъмирлаш;

10.5.11. ишламайдиган пенсионерларга байрам саналарида моддий ёрдам кўрсатиш;

10.5.12. ёлғиз пенсионерлар вафот этган тақдирда дафн маросими харажатларини корхона маблағлари ҳисобидан қоплаш.

14

XI. МАДАНИЙ-ОММАВИЙ, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ, СПОРТ ИШЛАРИ

11.1. «Маънавият ва маърифат» хонасини ташкил этиш, уни мунтазам равишда фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароит яратиб бериш.

11.2. Маданият уйи (саройи), клубнинг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш, уларни ўз вақтида таъмирлаб бориш ва жиҳозлаш.

11.3. «Маънавият ва маърифат» хонаси, маданият уйи (саройи), клубни Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, Мустақиллик йилларида чоп этилган замонавий адабиётлар ҳамда плакатлар ва техник воситалар билан таъминлаш.

11.4. Маданият уйи (саройи), клуб учун хўжалик органи ҳисобидан меъёрий даражада маблағлар ва штатлар ажратиш.

11.5. Умумхалқ ва касб байрамлари арафасида кам таъминланган, кўп болалик, ёлғиз оилаларга, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига хайрия ёрдами кўрсатиш.

11.6. Тарихий ёдгорликлар мавжуд бўлган Республиканинг қадимий шаҳарларига саёҳатлар уюштириш.

11.7. Меҳнаткашлар фарзандларини Янги йил арча байрами томошаларига ташрифини уюштириш, уларни хўжалик органлари маблағлари ҳисобидан байрам совғалари билан тақдирлаш.

11.8. Меҳнат жамоалари ва ўқув юртларида жисмоний тарбия жамоаси ёки клубни тузишга эришиш. Уларда Республика ҳукумати томонидан жорий этилган «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестлари меъёрий талабларининг бажарилиши учун шароит яратиб бериш.

11.9. Хўжалик органи маблағлари ҳисобидан жисмоний тарбия бўйича йўриқчи лавозимини киритиш.

11.10. Меҳнат жамоасида ишлаб чиқариш гимнастикасини жорий этиш.

11.11. Корхона тасарруфидаги спорт иншоотларини зарур жиҳозлар ва анжомлар билан таъминлаш. Турар жой ва ётоқхоналар атрофида спорт майдончалари, кичик заллар қуриш ҳамда керакли спорт жиҳозлари билан таъминлаш.

11.12. Меҳнаткашлар фарзандларини болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига кенг жалб этиш, уларни ва отаоналарини спорт-соғломлаштириш гуруҳларидан имтиёзли равишда фойдаланишлари учун маблағ ажратиш.

11.13. Мунтазам равишда спорт турлари бўйича мусобақалар уюштириш, ғолибларни муносиб тақдирлаш, туман, шаҳар, вилоят, Республика ва халқаро мусобақаларда иштирок этишлари учун ҳар томонлама шароит яратиб бериш.

11.14. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш, уларни мавсумга ўз вақтида тайёрлаш.

11.15. Оромгоҳларни эстетик жиҳатдан жиҳозлаш,

15

болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича барча чораларни белгилаш.

11.16. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида «Маънавият ва маърифат» хоналари ва бурчаклари, кутубхоналар ташкил этиш, уларни керакли кўргазмалар, Президент асарлари, янги бадиий асарлар билан таъминлаш.

11.17. Тасарруфидаги оромгоҳ ходимларини овқатлантиришни арзонлаштириш учун қўшимча маблағлар ажратиш.

11.18. Юқорироқ ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимлар фарзандлари учун болалар соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланмаларни корхона ҳисобидан харид қилиш.

XII. МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ

12.1. Меҳнат низолари комиссиясини тузиш, унинг миқдорий таркиби ва ваколатлари муддати.

XIII. КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ ВА САЙЛАНИБ ҚЎЙИЛАДИГАН КАСАБА УЮШМА ФАОЛЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

13.1. Асосий ишидан озод қилинган касаба уюшма ходимларини меҳнат жамоаси аъзоси сифатидаги ҳуқуқлари, уларга корхонадаги барча имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш, уларнинг корхонада (тармоқда)ги узлуксиз иш стажи сақлаб қолиниши.

13.2. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар ва меҳнат низолари комиссиялари аъзоларини Халқаро меҳнат ташкилотининг 135-Конвенцияси томонидан муҳофаза қилинадиган меҳнаткашлар вакиллари деб эътироф этиш.

13.3. Касаба уюшма қўмитасига сайланиб асосий ишидан озод қилинмаган ходимларнинг касаба уюшмаси вазифаларини бажариш учун кетган вақтига ҳақ тўлаш.

Жамоа шартномасига иловаларнинг тавсиявий рўйхати

1 .Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича келишув
2.Ходимларни жорий мукофотлаш тўғрисидаги низом
3.Ходимлар тоифалари учун меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги низом
4.Корхонада қабул қилинган тарификация
5.Кўп йиллик хизматлари учун устама ҳақ тўлаш тўғрисидаги низом
6. Йил якунлари бўйича рағбатлантириш тўғрисидаги низом
7. Навбатдаги меҳнат таътилига кетишда моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги низом
8. Моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги низом
9. Ходимга тегишли мол-мулкдан фойдаланилганда

16

харажатларни қоплаш тўғрисидаги низом
10.Пенсияга чиқишда бир марталик моддий ёрдам пулини тўлаш тўғрисидаги низом
11.Махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибдаги ҳимоя воситаларини бепул оладиган касб ва лавозимлар рўйхати
12.Ишлаган кунларида бепул совун оладиган касблар рўйхати
13.Ишдан ташқари вақтларда, тунги, кечки вақтларда, дам олиш ва байрам кунларидаги ишлар рўйхати ва бундай ишларга жалб қилиниши мумкин бўлган лавозимлар рўйхати
14.«Ишлаб чиқариш зарурати» деб эътироф этиладиган ҳолатлар мезонлари
15.Қўшимча таътил ва қисқартирилган иш куни ўрнатиладиган ноқулай меҳнат шароитларидаги касб ва лавозимлар рўйхати
16.Тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома тузиш мумкин бўлган ходимлар рўйхати
17.Йиллик узайтирилган ёки қўшимча таътил ҳуқуқини берувчи лавозимлар рўйхати
18.Ишламаётган ходимлар ўрнига ишлаганда қўшимча тўловларни аниқлаш ва тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низом
19.Талаба ва ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш практикасига раҳбарлик қилган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низом
20.Корхонани капитал таъмирлаш ишлари режаси
21.Қишги-баҳорги ва кузги- қишги мавсумга тайёргарлик кўриш режалари

Юқорида келтирилган тизимга мувофиқ тузилган жамоа шартномаси ўз кучини шартномада кўрсатилган муддатгача ёки томонлар янги шартнома тузгунларига қадар сақлаб қолади. Унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда жамоа шартномасини қабул қилишдаги тартиб қўлланилади. Жамоа шартномасининг мазмуни билан барча ходимлар таништирилиши шарт. Халқаро меҳнат ташкилотининг меъёрларига кўра ходимларни жамоа шартномаси билан таништириш иш берувчининг вазифасидир.

Корхона таркиби, структураси, номи ёки раҳбари ўзгариши жамоа шартномаси тақдирига таъсир қилмайди.

Корхона мулк эгасини ўзгариши шартномани олти ой ичида қайта тузишни талаб этади. Агар томонларнинг биронтаси музокараларни бошлаш ташаббуси билан чиқмаса, жамоа шартномаси кўрсатилган муддатда ўз кучини йўқотади.

Жамоа шартномаси қандай бажарилганлиги тўғрисида унга имзо чеккан шахслар (корхона комиссияси томонидан тузилган далолатнома асосида) йилида камида бир марта (ёки жамоа шартномасида белгиланган муддатларда) меҳнат жамоаси умумий йиғлиши (конференцияси) олдида ҳисобот берадилар (корхона комиссияси томонидан тузилган текширув далолатномаси асосида).

Ўзбекистон КУФК меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими

Булоқ кўз очди

«КАПАЛАККА АЙЛАНАР ОРЗУ...»

Шоир зоти борки, дунёга гўзаллик, эзгулик ва муҳаббат излаб келади. Излаганини топгани сари кўнгил кўзи очилиб, юраги ажиб туйғуларга ошно бўлиб бораверади. Шеърият аталмиш ана шундай муқаддас даргоҳга ҳаёланиб қадам қўяётган шоиралардан бири — Нафиса Бердалиева. Гўзал Фарғонанинг шоира қизи қалбидаги мунаввар туйғуларни сўз аталмиш буюк мўъжиза билан сайқаллаб, шеърга солади. Шу боис Нафисанинг шеърлари кўнгилга яқин, ўқисанг, дилинг ёришади, сатрлари қатида оппоқ ёмғирлар «чак-чак томчилаб», осмон бағрини очади, орзу қанотларини пирпиратиб учаётган «капалак»ка айланади. Шеъриятимизда яна бир булоқ кўз очаётган экан, ният қиламиз, у юрган йўл ҳамиша яхшиликка, эзгуликка туташаверсин.

Ёмғир ёғар чак-чак томчилаб,
Осмон бағрин сўкиб йиғлайди.
Юрагимни соғинч қамчилаб,
Зор қалбимни ҳижрон тиғлайди.

Капалакка айланар орзу,
Гул боғимга қўниб учади.
Лабларимда ухлайди кулгу,
Хаёлларим сароб ичади.

Дил хонамни тўлдирган армон,
Нақ қадалган бўғзимда изҳор.
Мен ёримни соғинган замон
У дилимда такрор ва такрор.

Мен, ёлғизим, дунёда фақат
Сизни дедим, ҳамиша сизни.
Қани, тақдир қилганда шафқат
Бахт қўйнига оларди бизни.

Ёмғир ёғар чак-чак томчилаб,
Севгимизни ўйлайман ҳар дам.
Юрагимни соғинч қамчилаб,
Дедим, дунё аслида бир кам.

* * *

Осмонда ой каби ҳар куни
Кўзингиз олдида турмайман.
Севгимни рад этиб кетсангиз,
Ялиниб ортиздан юрмайман.

Қошларим қаросин дастидан
Ошиқлар ортимда толади.
Бир бора нигоҳим кутиб
Қанчаси доғимда қолади.

Кечсангиз, майлига, сиз кечинг,
Қолмасман ғамларга кўмилиб.
Бир куни ишқимда ёнасиз,
Кўзингиз намларга чўмилиб.

Йўлларим пойлайсиз бир куни,
Ишқимнинг ўтида девона.
Бу туйғу ёдимдан чиққанда,
Сиз менга, мен сизга бегона.

Юзларимга тушган ажинлар —
Бу изтироб йўлакчалари,
Юрагимга битган тугунлар
Ва кўз ёшим кўлмакчалари.
Сочларимни бўядим оққа,
Армонларим оқ билагида.
Хиёнатнинг шаробин ичдим,
Овутмоқлик бир тилагида.
Тушларимга кирди кечалар
Олисдаги ой бўлиб алам.
Камситдилар неча-нечалар,
Лек қўлимдан тушмади қалам.
Бахтим дедим бахтсизлигимни,
Қўлларимни боғлади ҳаёт.
Бўйу бастим эгилиб қолди,
Ёшим ўтмай қаридим, ҳайҳот.
Мен яшадим шу қисмат учун
Қурбон қилдим руҳим ва жисмим.
Мендан кейин келган авлодга
Ҳеч бўлмаса қолади исмим.
Телба бўлдим телба дунёда,
Тоғ бағримни тошлар кемирди.
Гўзал қилиб яратган ҳаёт
Гўзаллигим бутқул емирди.

Нафиса БЕРДАЛИЕВА

Сарҳисоб

ТАНИШИНГ, ЙИЛ ЛАУРЕАТЛАРИ

«Ўзбекистон» меҳмонхонасида 2006 йил якунлари бўйича йилнинг энг яхши маданият ва спорт ходимлари турли номинацияларга кўра аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги бошқармалари мутахассислари ўртасида ўтказилган сўровнома -якунига кўра, эркин кураш бўйича жаҳон чемпиони ва XV Осиё ўйинлари ғолиби Артур Таймазов «2006 йилнинг энг яхши спортчиси» деб топилди.

Йилнинг энг яхши спорт мураббийси деб Вячеслав Йўлдошев тан олинди. Доҳада ўтган XV Осиё ўйинларида Ўзбекистон байдарка ва каноэда эшкак эшиш терма жамоасининг муваффақиятли қатнашувида, икки олтин, тўртта кумуш ва иккита бронза медалларини қўлга киритишида Вячеславнинг хизматлари беқиёс. Қолган номинантлар билан танишинг: **«Саҳнамиз фариштаси»** — Яйра Абдуллаева. **«Маънавий йўналишдаги йилнинг энг яхши қўшиқчиси»** — Дилнура Қодиржонова. **«Йилнинг энг иқтидорли спортчиси»** — Светлана Радзивел (енгил атлетика). **«Болалар тадбирларининг энг моҳир режиссёри»** — Нодира Қурбонова.

«Йилнинг энг кучли спорт жамоаси» — Ўзбекистон бокс терма жамоаси. **«Энг умидли актриса»** — Нодира Ҳамроева (балерина). Ўзбекистон ёш истеъдодларнинг жонкуяри — **«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми»** жамғармаси. **«Республикада энг оммалашган спорт соҳаси»** — гимнастика федерацияси. **«Йилнинг энг сифатли ҳаками»** — Людмила Жалновакова. **«Йилнинг энг яхши натижа кўрсатган спорт жамоаси»** — Ўзбекистон футбол ассоциацияси. **«Маданий мерос жонкуяри»** — Равшан Мансуров. **«Йилнинг энг яхши спорт ҳомийси»** — Муродил Жалолов. **«Энг яхши музей ходими»** — Наби Хушвақтов (Шаҳрисабз). **«Маданият ва спорт фидойиси»** — Салим Абдувалиев. **«Йилнинг энг фаол балетмейстри»** — Қодир Мўминов. **«Йилнинг энг фаол эстрада қўшиқчилари»** — Озодбек Назарбеков, Диана Зиятдинова.

«Қўшиқ матнларининг энг фаол яратувчиси» — Гулжамол Асқарова. **«Йилнинг энг яхши спорт мухбири»** — Мирзаҳаким Тўхтамирзаев. **«Йилнинг энг яхши бастакори»** — Абдулҳошим Исмоилов. **«Энг ҳалқчил ғоялар муаллифи»** — Алишер Азизхўжаев. **«Йилнинг энг яхши фольклор жамоаси»** — Қорақалпоғистон Республикаси **«Мирас»** фольклор этнографик ансамбли.

Тақдирлаш маросимида енгил атлетикачи Гўзал Хуббиевага «XV Осиё ўйинларида энг юқори натижани қўлга киритган спортчи» номинацияси бўйича ғолиблик насиб этди. Биз касаба уюшма спортчиси Гўзални суҳбатга тортдик.

— Гўзал, машаққатли машқлар, XV Осиё ўйинларидаги ажойиб натижа (бир олтин ва кумуш медали) ва бугунги муносиб баҳо. Хаёлингиздан нималар ўтяпти?

— Ҳозир кайфиятим аъло. Республикамиз спорти ва маданият соҳасидаги энг таниқли кишилар бугун шу ерда. Бизнинг ўлкамиз ҳар иккала соҳа бўйича етук инсонларга, кучли спортчилар-у маданият намояндаларига бой. Бугунги кўтаринки кайфият, тақдирлаш йил бўйи бизни руҳлантириб туради, ёдимиздан чиқмайди.

— Қатардаги Осиё ўйинларидан кейин нималар билан машғулсиз?

— Дохадан келгач, танишларим, спорт ишқибозлари ва яқинларимдан табрик эшитиш, уларга Осиё ўйинлари таассуротларини сўзлаб бериш билан кўпроқ машғул бўляпман. Бошқача айтганда, қишда мусобақаларим йўқ, дам оляпман. Шунингдек, машғулотларни ҳам тўхтатганим йўқ.

Акмал АБДИЕВ

М.АМИН (ЎзА) олган суратлар

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ
O'K.U.F. F.T.U.U.
ОЛИЙ ВАҲТ

БОШ МУҲАРРИР
Абдуҳолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:
Алла Долженкова, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Ғуломзокир Юсупов

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият 153-52-78
Бўлимлар
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими: 153-87-63
Ижтимоий-иқтисодий сиёсат бўлими: 153-87-74
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими: 153-87-73
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт бўлими: 153-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими: 153-85-43
Реклама ва эълонлар бўлими: 153-03-90

БИЗНИНГ МАНЗИЛ:
700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи котиб - А.Алламуродов
Навбатчи муҳаррир - Н.Рафиқов
Навбатчи - Ҳ.Жўраева
Мусаҳҳиҳ - А.Ёрбеков

Саҳифаловчи-дизайнер: З.Бакиров ва Ю.Михайловский

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 18.00

Буюртма Г— 015
Тиражи: 19246
2 3 4

Ҳангома

— Одамларга ҳам ҳайронсан. На иссиққа, на совуққа кўнишади. Бир тийинни устида тишларини синдиришади-я, тавба. Бундоқ, кенгроқ бўлган ҳам яхши экан. Мана мен шу ерда ўтириб, уч-тўрт сўм топаман. 2 та участкани данғиллатиб куриб қўйдим. Ҳаракат энди учинчисига. Шуни ҳам гап қилишади денг. Бировни ишига аралашмай, аравангни тортсанг-чи, нодон.

Хожибой тажанг ҳар куни шу гап билан иш бошлайди. Бозорнинг энг олди жойи уники. Эрталаб ўғлини савдога қўйиб, ўзи каппон бозорини айланади. Ҳаракатлари читтак каби енгил. Бирон бир бозор кўрмаган «сотувчи» келиб қолса, ошиғи олчи. Шу ондаёқ унинг олдида ҳозиру нозир. Гуручми, мошми, ёйинки буғдойми, қайтармайди.

Тунов кун қизиқ бир воқеа бўлди. Қишлоқи бир йигит бозорга буғдой олиб тушган экан.

— Ҳа, деҳқон ука, — дея унга ялтоқланиб яқинлашди Хожибой.

— Буғдой олиб тушгандим, — деди бўш-баёвгина йигит.

— Жуда яхши-да, ўғлим. Мўлжалинг қанча? Унга синовчан тикилди Хожибой. Йигит елка қисди.

Хожибой тажангга айнан шу керак эди.

— Қани, бир молни кўрайлик-чи, — у аста битта қопнинг оғзини ечди-да бўлиқ буғдой донларини кўздан кечирди. Сап-сариқ, йирик-йирик...

Шу пайт бозордагиларнинг нигоҳи уларда, тўғрироғи, Хожибой тажангнинг навбатдаги мижозига ачиниш билан қараб туришарди.

— Менга қара, йигит, буғдойингни мен оламан. Пули нақд. Фақат нархига келишсак, — деди Хожибой.

Йигитнинг чиройи очилди.

— Инсофли, намозхон кишига ўхшайсиз. Алдамассиз ахир...

Тажанг ўзига тикилиб турган ҳамкасбларига хўмрайиб, йигитнинг қўлтиғидан олди-да, четга тортди.

— Килосига 100 сўмдан бераман, розимисан?

Йигит каловланди.

— Бировнинг ҳақига хиёнат қилиб ўрганмаганман, болам, хўп деявер, барака топасан.

Йигит кўнди. Бор-баракадан сўнг Хожибой тажанг пулни санаб берди. У ичида ёш йигитдан куларди. Қани энди шундайлар қармоғига тез-тез илиниб турса. Бу ширин хаёлдан у тамшаниб қўйди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмади, пештахта олдида ҳалиги йигит пайдо бўлди. Ранги ўчган. Қўйиб берса Хожибой тажангнинг ёқасидан олгудек. Хожибой уни кулимсираб кутиб олди.

— Буғдойни ярим баҳосида ҳам сотиб олмабсиз-ку, — деди у чинқириб.

Бир зумда атрофга одам йиғилди. Шу чоғ тажангнинг юзидаги кулгу қаҳрга айланди.

— Буни бозор дейдилар. Олувчи ҳам, сотувчи ҳам оғзига сиққанини сўрайди. Савдони пишитиб, ҳаққингни олдинг. Яна қандай даъвоинг бор менда, — деди ўшқириб.

— Шайтонга дарс берадиганлардан экансиз. Фалокат босиб, келиб-келиб сизга йўлиқманми!

Йигит унга алам билан тикилди-да, қўл силтаб даврадан чиқиб кетди.

Қодир аллоп Хожибой тажангга яқинлашди.

— Яхши иш бўлмади. Ўғри бўл, ғар бўл, инсоф билан бўл. Ёшгина йигитни ёмон қақшатдингиз, — деди астагина.

— Менга ўргатманг, ота. Нима қилишни ўзим яхши биламан, — тўнғиллади Хожибой тажанг.

Қодир аллоп пешонаси тиришганча ўз растаси томон кетди.

Шу вақт тажанг буғдойдан келган фойданигина ўйларди. Ўғли Содирнинг гапи уни янада яйратиб юборди.

— Арзон мош учраганди. 150 кило олиб қўйдим, дада.

— Баракалла ўғлим, боплабсиз. Ҳаракатни бўшаштирманг. Арзонроқ нарса кўринса, таппа босинг. Ҳозирги замон юз-хотирликни кўтармайди. Шундагина бирингиз икки бўлади, — деб қўйди кафтларини кафтларига ишқаб.

Содирхон ҳовуздаги балиқ сингари одамлар ичига шўнғиб кетди. Хожибой эса пештахта олдидаги ўриндиққа ястаниб кўзларини юмди.

Ҳа, бугун жуда баракали кун бўлди. Шунча буғдойни сув текинга туширди. Бунинг устига ўғли Содирхон... Қани энди уларнинг бахтига бўшашган мижозлар кўпайса.

У ширин хаёл суриб ўтирганида унга Қосим паттачи яқинлашди.

Катта бир «Камаз» келди. Мижоз қидиряпти. Унга фақат сизнинг кучингиз етади, ака.

Ҳақиқатан ҳам айтилган жойда каттакон юк машинаси турарди. Унинг ёнидаги қорачадан келган йигит кўзига иссиқ кўринди.

— Қанчадан? — ҳовлиқиб сўради у.

— Сизни бугун кўриб турганимиз йўқ-ку, келиштириб берамиз, — деди мол эгаси кулимсираб.

Узоқ савдолашишди.

— Юкни бўшатамиз, — деди ниҳоят Хожибой тажанг муросага келишишгач.

— Пули-чи, ака — йигит яна кулимсиради. Тажанг ўғлини чақириб, ҳалиги йигитнинг шериги билан қўшиб уйига жўнатди. Орадан 2 соатлар вақт ўтгач, қорачадан келган йигит ҳам кўринмай қолди.

Ота-бола вақтни ўтказмай қопларни энди туширишмоқчи бўлишганда, уларга уч нафар йигит яқинлашди.

— Нима қилаяпсизлар. — ажабланиб сўрашди улар. — Ахир бу машина бизники-ку.

Хожибой тажанг донг қотиб қолди. Бироз ўзига келиб:

— Қанақасига сизники бўлади, уни ҳозиргина сотиб олдик-ку ахир! Пули ҳам тўланган, — деди титраб-қақшаб.

Йигитлардан бири чўнтагидан ҳужжат чиқарди.

— Мана машинанинг ҳужжати. Мол ҳам ўзимизники, отахон. Олғирларнинг қўлига тушиб қолган кўринасиз, — деди ачиниш билан.

Хожибой дод солиб, машинанинг тагига ётиб олди. Уни бир амаллаб тортиб чиқаришди. Хожибой тажанг жаҳл устида ўғлига тарсаки тортиб юборди.

Шу пайт Қодир аллоп шеригига:

— Емоқни қусмоғи бор, деб шунга айтишади-да. Йўқ, бу тўнғиз кейинги вақтда ниҳоятда ҳаддидан ошиб кетганди, — деб қўйди.

Одамлар аста-секин тарқала бошлашди.

Неъмат РАФИКОВ

ХОЖИБОЙ ТАЖАНГ «ЧУВ» ТУШДИ

ёки каппон бозоридаги можаро

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«TULPOR» савдо уйи масъулияти чекланган жамияти

Россия Федерациясининг барча турдаги «УАЗ» ва «ВАЗ» автомобилларини нақд пулга ҳамда пул ўтказиш йўли билан сотишини маълум қилади.

* Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади.
* Автомобилларга божхона солиғи тўланган.
Уларнинг сифати тўла кафолатланади.

Манзил: Фарҳод ярмаркаси, 3-қатор.
Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 276-33-51. Факс: (8-371) 117-46-01.

Хотира уйғонса гўзалдир

Инсон муайян ҳаёт йўлини босиб ўтгач, маълум бир манзилда умр сўқмоқларига назар ташлайди. Ўтган умрини сарҳисоб қилиб кўради. Қилган ишларини тарозининг бир палласига қўйса, қилинмаганларини бошқасига қўяди...

САНЪАТГА БАХШИДА УМР

Ўзбек мусиқа санъатининг асосчиларидан бири, истеъдодли санъаткор Шариф Рамазановнинг ҳаёт йўлига, фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, жонкуярлик билан амалга оширилган ишларининг юки оғирлигига амин бўламиз. Шариф Рамазонов 1910 йил Хоразм вилояти, Хива туманидаги Гандимиён қишлоғида дунёга келди. У дастлаб, тумандаги болалар уйида тарбияланади, сўнг Хива мусиқа мактабида ўқиди. 1927 йил ушбу мактабнинг скрипка бўлимини тамомлаб, 1930 йилда пойтахтимиздаги Ўзбек Давлат мусиқали драма театрида меҳнат фаолиятини бошлади. Шариф Рамазонов Хоразм вилоят театри, Ҳамза номли санъатшунослик институти, пойтахтимизнинг Т.Содиқов номидаги болалар мусиқа мактаби ва бир қанча санъат даргоҳларига раҳбарлик қилди. Бу йиллар давомида у раҳбарлик ишлари билан бир қаторда қизғин ижодий жараённи ҳам олиб борди. Илк асарларидаёқ композитор сифатида ўз асарларининг бош йўналишини белгилаб олди.

Ҳамзанинг «Шоҳсанам» (1938), М.Аҳмадийнинг «Асл фарзанд» (1947), Собир Абдулланинг «Ҳаёт чақириғи» (1958), З.Фатхуллиннинг «Ғунчалар» пьесалари асосида ёзилган мусиқали драмаларнинг муаллифи Шариф Рамазонов талайгина хор ва эстрада қўшиқларини ҳам яратди. У эстрада мусиқасида ўзбек миллий услубини сақлаб қолишда ҳам муваффақият қозонди. Бастакорнинг «Ўзбекистон», «Дилрабо», «Ёр келур», «Интизорман» каби қатор қўшиқларининг оммалашиб кетиши фикримизнинг исботидир. Шунингдек, Д.Палининнинг «Серқуёш Тошкент», Мақсуд Қориевнинг «Гулчи қиз», Ҳ.Муҳаммадалиевнинг «Гулларим» ва бошқа кўплаб шоирларнинг шеърлари асосида яратилган Ш.Рамазонов қўшиқлари санъат шайдолари қалбидан мустаҳкам жой олди.

Шариф Рамазонов нафақат ўз касбининг фидойиси, шу билан бирга ҳаётда қувноқ, қўли очиқ, меҳрибон инсон эди.

Унга 1957 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби», 1970 йилда «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвонлари берилди. Бир қанча орден ва медаллар билан тақдирланди.

Гарчи унинг жисми бу дунё билан абадий хайрлашган бўлса-да, руҳи, порлоқ хотираси, яратган асарлари шогирдлари, авлодлар қалбида мангу яшамоқда.

Ғулом КЎЧҚОРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист,
«Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби

Сергели туман автомашмуа ҳудуди 3/2 қаторда жойлашган 17-дўкон, Мансуров Яҳёхон Джалоловичга тегишли бўлган 6-193/ 2005 рақамли бино ва 1781365612 сонли ер кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда Марказий кенгашнинг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича вакиллиги «Қорақалпоқгаз» газ таъминот корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Аллаберген Алиева турмуш ўртоғи

Тамара БАУЕТДИНОВАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади